

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.T.07.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

МУРАДОВА АЛЕВТИНА АЛЕКСАНДРОВНА

МУЛЬТИСЕРВИСЛИ АЛОҚА ТАРМОҒИ ИШОНЧЛИЛИК
КўРСАТКИЧЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ МОДЕЛЛАРИ ВА
АЛГОРИТМЛАРИ

05.04.01 - Телекоммуникация ва компьютер тизимлари, телекоммуникация тармоқлари ва қурилмалари. Ахборотни тақсимлаш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ Бўйича ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2019

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Мурадова Алевтина Александровна

Мультисервиси алоқа тармоғи ишончлилиқ кўрсаткичларини тадқиқ қилиш моделлари ва алгоритмлари. 3

Мурадова Алевтина Александровна

Модели и алгоритмы исследования надежности показателей мультисервисной сети связи. 21

Muradova Alevtina Aleksandrovna

Models and algorithms of a research of reliability indicators of a multiservice communication network. 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works. 43

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.T.07.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

МУРАДОВА АЛЕВТИНА АЛЕКСАНДРОВНА

МУЛЬТИСЕРВИСЛИ АЛОҚА ТАРМОҒИ ИШОНЧЛИЛИК
КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ МОДЕЛЛАРИ ВА
АЛГОРИТМЛАРИ

05.04.01 - Телекоммуникация ва компьютер тизимлари, телекоммуникация тармоқлари ва қурилмалари. Ахборотни тақсимлаш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент - 2019

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/T918 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Нишанбаев Туйғун Нишанбаевич техника фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Рахимов Бахтиёржон Неъматович техника фанлар доктори, доцент Камалов Юнус Каримович техника фанлар номзоди
Етакчи ташкилот:	Тошкент темир йўл муҳандислари институти

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc. 28.12.2017.Т.07.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил “___” _____ соат _____⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй.) Тел: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел: (99871) 238-64-44).

Диссертация автореферати 2019 йил “___” _____ да тарқатилди.
(2019 йил “___” _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

И.Х. Сиддиков
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ж.Х. Джуманов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

Н.Б. Усманова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда замонавий телекоммуникация соҳаси тез суръатларда ўсиши, телекоммуникация технологияларининг ривожланиш даражаси, мультисервис хизматлари бозори йўналишидаги ўсиши, жумладан, янги телекоммуникация ва ахборот технологияларини қўлланилиши ва уларни конвергенциялаш имкониятларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ривожланган мамлакатларда, жумладан, АҚШ, Буюк Британия, Нидерландия, Германия, Швеция, Франция, Жанубий Корея, Хиндистон, Россия ва бошқа мамлакатларда NGN тармоғи (Next Generation Network ёки мультисервиси алоқа тармоқлари) га ўтишда жуда кўп сонли махсус қурилмалар (контроллерлар, шлюзлар, серверлар) комплекси қўлланилади. Битта коммутация воситасининг функцияларини бажариш учун бир нечта бундай ускуналарнинг биргаликда ишлаши талаб этилади. Умумий ишончлилик ҳамма воситалар ишончлилик кўрсаткичларининг кўпайтмасига тенг бўлади, натижада олинган умумий ишончлилик кўрсаткичи нисбатан пасаяди ва ишончлиликни оширишига катта эътибор қаратилади. Шу жиҳатдан мультисервиси алоқа тармоқларининг ишончлилик кўрсаткичларини тадқиқ қилиш моделларини ва алгоритмларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда ахборот ва коммуникацион технологияларни ривожлантиришга, мультисервиси алоқа тармоқларининг ишончлилик кўрсаткичларини ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқишда телетрафика назариясида ечиладиган масалалар, маълумотларни юқори сифат билан узатиш илмий асослари яратилмоқда. Ушбу йўналишда мультисервиси алоқа тармоқлари муаммоларини ва транспорт тармоқларини жорий этиш учун уларни ривожлантириш йўлларини такомиллаштириш, мультисервиси алоқа тармоғининг ишончлилик кўрсаткичларини ҳисоблашнинг аналитик моделини ишлаб чиқиш, ноаниқ тўпламлар назарияси асосида баҳолаш усули, мультисервиси алоқа тармоқларининг ишончлилик кўрсаткичларини ҳисоблаш ва баҳолаш алгоритмининг ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда ахборотлаштиришни ривожлантиришга, чекка туманлар аҳолисининг ҳам кенг полосали интернетдан фойдаланишига алоҳида эътибор қаратилиб, жумладан маълумотлар узатиш тезлигига мувофиқ хизматлар кўрсатиш сифатини, фойдаланувчиларга мультисервиси хизмат турларини таъминлаб бериш, шу хизмат турларидан сифатли фойдаланишга оид чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожланиш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...Интернет тармоғи орқали эркин кириладиган базани яратиш, ...Республика аҳолисининг юқори тезликдаги Интернетга уланиши, ...телекоммуникация тизимини кенг қўламда модернизация

қилиш...»¹ вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда, жумладан ноаниқ тўпламлар назарияси асосида мультисервис тармоқларининг ишончлилик параметрларини баҳолаш усули ва алгоритмини ишлаб чиқиш, сўровларни ўз вақтида бажариш эҳтимоллигини тармоқнинг тайёргарлик коэффициенти ва юкланганлигига боғлиқлик даражасини таҳлиллашнинг аналитик моделини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони, 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3245-сон «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳа бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 мартдаги 185-сон «Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация хизматлари сифатини янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Кўпгина тадқиқотлар мультисервиси тизимлар ва тармоқлар ишончлилик кўрсаткичларини ўрганишга бағишланган бўлиб, тармоқ тузилмаси таркибий қисмларининг ишончлигини характерловчи параметрларини баҳолаш ва ҳисоблаш учун самарали усуллар таклиф қилинган, кўплаб усуллар ва моделлар ишлаб чиқилган. Жумладан, хорижий олимлардан X.Yiguo (АҚШ), Louis A. Petingi (АҚШ), B.Dengiz (АҚШ), Wenbo He (АҚШ), S. Adjabil (АҚШ), A.Guimaraes (АҚШ), J.Carlier (АҚШ), J.Xin (Англия), S. Adjabi (АҚШ), D.Mihail Curpen (АҚШ) ва Россиялик олимлар: Н.П.Бусленко, Б.В. Гнеденко, Ю.К.Беляев, Соловьев А.Д., Ушаков И.А.Б.Я.Советов, С.А.Яковлев, Г.П.Захаров, О.В.Щербаков, Г.Н.Черкесов, И.А.Рябинин, А.С. Можяев, Б.П.Филин, О.А.Гадяцкая, Д.В. Козырев, Л.С.Выговский, А.В.Лупал, А.Е.Перфильев, А.В.Маер ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган.

Ўзбекистонда мураккаб структураларга эга бўлган алоқа тармоқларининг ишончлигини таҳлил қилишнинг турли жиҳатлари, ишончлилик кўрсаткичларининг тавсифлари, тизим ва тармоқларнинг ишончлигини

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

таҳлиллаш ва баҳолашнинг турли усуллари, ахборот йўқотиш манбалари қуйидаги олимлар илмий ишларида кўриб чиқилган, жумладан, Д.А. Абдуллаев, Т.А.Валиев, А.Э.Аллаев, М.А.Абдурафиков, Н.Х.Гультураев ва бошқалар катта ҳисса қўшганлар.

Олиб борилган таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, NGN (ёки мультисервис тармоғи) тармоқларининг ишончлилигини тизимли ёндашув асосида баҳолаш усуллари, моделларини ишлаб чиқиш ва тадқиқ этиш, тармоқ сатҳларининг ишончлилигини ҳисобга олган ҳолда объектив қарорларни қабул қилиш ва амалиётга жорий этиш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ахборот технологиялари университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг №А5-023-сон «Ўзбекистон телекоммуникация тармоғининг оптик кириш сатҳини режалаштириш усулини ишлаб чиқиш ва тадқиқотлаш» мавзусидаги лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тизимли ёндашув услубларини қўллаш негизида мультисервис тармоқларининг ишончлилик кўрсаткичларини ҳисоблаш усул, моделлар ва алгоритмларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тармоқнинг техникавий, тузилмавий хусусиятларини ҳамда фойдаланувчиларнинг қизиқишларини ҳисобга оладиган оптимал моделини ишлаб чиқиш;

ноаниқ тўпламлар назариясига асосланиб, мультисервис тармоқларининг ишончлилик параметрларини аниқлаш усули ва алгоритминини ишлаб чиқиш;

мультисервис тармоғи вақт-эҳтимоллик характеристикаларини тайёргарлик коэффицентига боғлиқлик даражасини таҳлил қилиш моделини ишлаб чиқиш;

тизимли ёндашув асосида тармоқнинг ишончлилигини оширишга кетадиган харажатлар ва тармоқ компонентларида қолдиқли ишончсизлик оқибатида юзага келадиган йўқотишлар қийматларининг йиғиндисини баҳолайдиган моделлаштириш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида мураккаб структурага эга бўлган мультисервис алоқа тармоғининг компонентлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини мультисервис алоқа тармоқларининг ишончлилигини баҳолаш усуллари, математик моделлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида тизимли таҳлил, телетрафика, оммавий хизмат кўрсатиш, ноаниқ тўпламлар ҳамда математик ишончлилик назариялари ва мураккаб тизимларни моделлаштириш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ноаниқ тўпламлар назарияси асосида мультисервис тармоқларининг ишончлилик параметрларини баҳолаш усули ва алгоритми ишлаб чиқилган;

сўровларни ўз вақтида бажариш эҳтимоллигини тармоқнинг тайёргарлик

коэффициенти ва юкланганлигига боғлиқлик даражасини таҳлиллашнинг аналитик модели ишлаб чиқилган;

тармоқнинг техник, структуравий томонини ҳамда фойдаланувчиларнинг қизиқишларини ҳисобга оладиган мультисервис тармоқларнинг тизимли техник-иқтисодий оптимал модели яратилган;

мультисервис тармоқларининг ишончлилик параметрларини аниқлайдиган оптимал масалани ечиш учун имитацион моделлаштириш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мураккаб тармоқ тузилмали мультисервис тармоқларининг ишончлилик кўрсаткичларини тадқиқ қилиш модели ишлаб чиқилган;

тизимли ёндашув асосида тармоқнинг ишончлилигини оширишга кетадиган харажатлар ва тармоқ компонентларида қолдиқли ишончсизлик оқибатида юзага келадиган йўқотишлар қийматларининг йиғиндисини баҳолайдиган моделлаштириш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги мультисервиси алоқа тармоғининг тизимли техник-иқтисодий оптимал модели, ноаниқ тўпламлар назарияси асосида мультисервис тармоқларининг ишончлилик параметрларини баҳолаш усули ва алгоритми, сўровларни ўз вақтида бажариш эҳтимоллигини тармоқнинг тайёргарлик коэффициенти ва юкланганлигига боғлиқлик даражасини таҳлиллашни ифодаловчи оммавий хизмат кўрсатиш назариясига асосланган аналитик модели, мультисервис тармоқларининг ишончлилик параметрларини тадқиқ этиш бўйича яратилган моделлаштириш алгоритми билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мураккаб тармоқ тузилмали мультисервис тармоқларининг ишончлилик кўрсаткичларини тадқиқ қилиш модели ва услуги, тизимли ёндашув асосида тармоқнинг ишончлилигини оширишга кетадиган харажатлар ва тармоқ компонентларида қолдиқли ишончсизлик оқибатида юзага келадиган йўқотишлар қийматларининг йиғиндисини баҳолайдиган моделлаштириш алгоритми ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҳисоблаш эксперименти натижаларининг таҳлили асосида мультисервис алоқа тармоқларининг ишончлилигини яхшилаш бўйича тавсифномалар, мультисервис алоқа тармоқларини аппарат таъминотини танлаш ва такомиллаштириш жараёнларини автоматлаштириш ва унификациялашга, ҳамда тармоқ ишончлилигини оширишга ажратилган молиявий маблағларни оптимал тақсимланишига имкон яратилганлиги ва тармоқдан самарали фойдаланишга эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мультисервиси алоқа тармоғининг ишончлилик кўрсаткичларини тадқиқ қилиш моделлари, усули ва алгоритмлари бўйича олинган натижалар асосида:

мультисервис тармоқларининг ишончлилик параметрларини аниқлайдиган оптимал масалани ечиш учун имитацион моделлаштириш

алгоритми «Ўзбектелеком» АКнинг транспорт магистрал тармоғининг эксплуатация Марказининг амалий фаолиятида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 29 ноябрдаги 33-8/8921-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида ишончлиликни ошириш учун мўлжалланган харажатларни биргаликда ҳисобга олган ҳолда, мультисервис тармоқларнинг аппарат-дастурий воситаларини ва унинг алоҳида компонентларини ноидеал ишлаши ҳисобида пайдо бўладиган кутиладиган тан нарх харажатларини танлаш ҳамда такомиллаштириш жараёнини автоматлаштириш ва унификация қилишни таъминлаб берди ҳамда ишончлилик кўрсаткичларини 8 фоизга ошириш имконини берган;

ноаниқ тўпламлар назарияси асосида мультисервис тармоқларининг ишончлилик параметрларини баҳолаш усули ва алгоритми «Ўзбектелеком» АКнинг «Тошкент шаҳар - Телеком» тармоғи эксплуатация Марказининг амалий фаолиятида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 29 ноябрдаги 33-8/8921-сон маълумотномаси). Натижада мультисервис тармоқлари компонентларнинг қолдиқли ноишончилиги пайдо бўлаётганда кутилаётган йўқотишларни ҳисобга олган ҳолда ишончлиликни ошириш мақсадлари учун ажратилган воситаларни рационал тақсимлаш имконини берган;

тизимли ёндашув асосида тармоқнинг ишончилигини оширишга кетадиган харажатлар ва тармоқ компонентларида қолдиқли ишончсизлик оқибатида юзага келадиган йўқотишлар қийматларининг йиғиндисини баҳолайдиган моделлаштириш алгоритми «Ўзбектелеком» АКнинг транспорт магистрал тармоғининг эксплуатация Марказининг амалий фаолиятида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 29 ноябрдаги №33-8/8921-сон маълумотномаси). Натижада оптимал ўтказувчанлик қобилияти/мультисервис алоқа тармоғининг оптимал нархи кўрсаткичи асосида тармоқ фаол элементларини оптимал характеристикаларини ҳисоблаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 11 та халқаро, 16 республика илмий-амалий конференциялар ҳамда илмий семинарларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 47 та илмий иш, шу жумладан, хорижий журналларда 5 та мақола, республика миқёсидаги илмий журналларда 15 та мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, нашр этилган ишлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари

тараққийетининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, ишнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалда жорий қилиш ҳолати, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тақсимланган структурага эга бўлган мультисервис тармоқларнинг ишончлилик кўрсаткичларини тадқиқ қилиш муаммосининг ҳолати”** деб номланган биринчи бобда телекоммуникация тармоқларининг ишончлилик кўрсаткичларини тадқиқ этиш бўйича илмий ишланмалар, таклиф этилган усуллар ва моделлар тизимли кўриб чиқилган ва таҳлил натижалари тақдим этилган. Бобда мультисервис тармоқларининг ишончлилик кўрсаткичларини техник-иқтисодий концепцияга асосланиб тадқиқ этиш ва оптималлаштириш мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган.

Кўпгина тадқиқотлар мультисервиси тизимлар ва тармоқлар ишончлилик кўрсаткичларини ўрганишга бағишланган бўлиб, тармоқ тузилмаси таркибий қисмларининг ишончлилигини аниқловчи параметрларини баҳолаш ва ҳисоблаш учун самарали усуллар таклиф қилинган, кўплаб усуллар ва моделлар ишлаб чиқилган. В.А. Нетес «NGNга ўтишда алоқа тармоқларининг ишончлилиги», Э.Ю. Калимулина «Ишончлилик аналитик моделларини ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш ва уларни тақсимланган тармоқларга оптимал учун қўллаш», А.Х. Ишмухамедов «Алоқа тизимларини бошқариш учун ишончлиликни баҳолашда автоматлаштириш усуллар, моделлар ва алгоритмлар», Б.П. Филин «Алоқа тармоқларни структурали ишончлиликни баҳолаш усуллари», А.Ю. Крайнов «Ҳимояланган тақсимланган телекоммуникация тармоқларда ахборотларни узатиш ишончлилик модели», В.Г. Кривулец «Тармоқларнинг ишончлилик кўрсаткичларини квазитўпламли баҳолашлар» ишларида мураккаб структурага эга бўлган алоқа тармоқларнинг ишончлиликни таҳлил қилиш асосий аспекти кўриб чиқилган ҳамда бир нечта ишончлилик кўрсаткичлари тадқиқ қилинди.

Замонавий тармоқли структуралар мураккаб ва кўпқиррали бўлгани сабабда тизимли таҳлил назариясида қўлланиши билан мультисервис тармоқларни ишончлилигини тадқиқ қилиш соҳасида янги ечилмаган масалалар пайдо бўляпти. Фойдаланувчилар сўровларни бажаришида мультисервис тармоқларнинг ҳамма таркибий қисмлари қатнашади ва битта элементни ишончсиз ишлаши бошқа компонентларнинг ишини тўхтатиши мумкин. Шунинг учун тизимли ёндашув қўлланилганда NGN (ёки мультисервис тармоқлари) ишончлиликни баҳолаш усуллари ва моделларини ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш долзарб масала ҳисобланади.

Тақсимланган структурага эга бўлган замонавий мультисервис тармоғи (ёки кейинги авлод тармоғи) нинг функционал модели тўртта поғоналардан ташкил топган: кириш, транспорт, тармоқни бошқариш ва хизматларни бошқариш поғоналари.

Мультисервис тармоғининг (МСТ) ишончлилик кўрсаткичларини ўрганиш тизимли ёндашув асосида амалга оширилиши керак. Бундай ёндашув мавжуд бўлган (ажратилган) ресурсларни тармоқнинг ишончилигини таъминлаш мақсадида рационал равишда оқилона тақсимлаш имконини беради.

Мультисервис тармоғи N ўзаро муносабатда бўладиган тизимостилардан (сатхлардан) таркиб топган, деб фараз қиламиз. Бунда вектор $x(t) = [x_1(t), \dots, x_n(t)]$ - МСТ кириш сатҳидаги ҳар хил шлюз ва коммутаторларнинг киришидаги таъсирларни кўрсатади. $x_i(t)$ -МСТ кириш сатҳи i - шлюзининг ишончилигига i - ташқи омил таъсирининг мавжудлиги ёки йўқлигини билдирувчи вақт интервалининг кетма-кетлиги. МСТ сатҳлари орасидаги $b(t) = [b_1(t), \dots, b_l(t)]$ - вектор функцияси МСТ алоқа каналларининг ишончлилик ҳолати ўзгаришини акс эттиради, транспорт сатҳида $a(t)=[a_1(t), \dots, a_n(t)]$ - МСТ транспорт сатҳи маршрутизатор, коммутатор ва бошқарув воситаларининг ишончлилик ҳолати ўзгаришини акс эттиради, хизматларни тақдим этиш сатҳида $v(t) = [v_1(t), \dots, v_m(t)]$ - вектор функцияси тармоқнинг чиқишидаги воситаларининг ишончлилик ҳолатларини, яъни маълум даражадаги сифат кўрсаткичи (QoS) билан фойдаланувчиларга мультимедиа хизматларини тақдим этиш эволюциясини акс эттиради.

Навбатдаги хизматни тақдим этиш операциялари бажарилиши даврларида МСТ нинг ҳар хил ишончлилик кўрсаткичига эга бўлган бир мунча компоненталари иштирок этади, яъни:

$$G_1(t) = g_1 [x_1(t), \dots, x_n(t), b_1(t), \dots, b_l(t), a_1(t), \dots, a_n(t), v_1(t), \dots, v_m(t)]$$

$$G_2(t) = g_2 [x_1(t), \dots, x_n(t), b_1(t), \dots, b_l(t), a_1(t), \dots, a_n(t), v_1(t), \dots, v_m(t)]$$

.....

$$G_d(t) = g_d [x_1(t), \dots, x_n(t), b_1(t), \dots, b_l(t), a_1(t), \dots, a_n(t), v_1(t), \dots, v_m(t)],$$

бу ерда $G_d (d=1, \dots, D)$ - сўровга хизмат кўрсатиш операциялари бажарилишининг t вақт моментларида МСТ ҳар бир сатҳ воситаларининг ишончлилик ҳолатини характерлайдиган операторлар. $g_1(t), \dots, g_d(t)$ - t вақт моментларида МСТ ҳамма сатҳ элементларининг ишончлилик кўрсаткичларини характерлайди.

Ишда келтирилган ифодаларга асосланиб, мультисервис тармоғини ишончлилик параметрларини аниқлаш бўйича оптимал масала шаклланган. У тармоқ ишончилигини оширишга кетадиган харажатларнинг ҳамда тармоқ компонентларида қолдиқли ишончсизлик оқибатида юзага келадиган йўқотишлар қийматларининг йиғиндисини минималлаштирадиган вариантини излаб топишга йўналтирилган, яъни ушбу функционалнинг:

$$C [x(t), b(t), a(t), v(t)] = \{ C_z [x(t), b(t), a(t), v(t)] + C_p [x(t), b(t), a(t), v(t)] \} \rightarrow \min (1)$$

минимал қийматини оқимларнинг стационар ҳолатига белгиланган чекловлар бажарилган ҳолда излаб топишга йўналтирилган. Бунда $C_z [g(t)]$ - маълум бир t вақт оралиғида мультисервис тармоғини воситаларининг ишончлилик параметрларига берилган талаб бажарилиши учун кетадиган харажатлар

миқдори; $C_p [g(t)]$ - фойдаланувчи ва операторларнинг МСТ воситаларида қолдиқли ишончсизлик оқибатида юзага келадиган йўқотишлари миқдорининг йиғиндиси.

Бундай мезон кўрсаткичи асосида оптимал масала қўйилишининг долзарблиги қуйидагича изоҳланади: бир томондан, мультисервис тармоғи ишочлилигини ошириш учун керакли ҳаракатлар қилинмаса, фойдаланувчиларнинг сўровлари ўз вақтида ва сифатсиз бажарилиши оқибатида компаниянинг йўқотишлари кўпайиб кетиш эҳтимоллиги ошиб кетади, иккинчи томондан - ишончлилиқ кўрсаткичларини ҳаддан ташқари оширилиши ажратилган ҳаражатларни кескин кўпайишига олиб келади.

Диссертациянинг **“Тизимли таҳлил асосида мультисервис тармоғи ишончлилиқ параметрларини оптимал аниқлаш масаласининг қўйилиши”** деб номланган иккинчи боби мультисервис тармоғи компоненталарининг ишончлилиқ ҳолатини кўрсатадиган параметрларнинг таҳлил натижалари ва танланган мезон кўрсаткичи негизида оптимал масаласига бағишланган.

Бобда мультисервис тармоғи ишончлилигини кўрсатадиган параметрларнинг физик мазмуни ва моҳияти тизимлаштирилган ҳолда тавсифланади: тайёргарлик коэффициенти, тўхташнинг ўртача вақти, қайта тикланиш эҳтимоллиги, бетўхтов ишлаш эҳтимоллигининг тақсимоти, рад этиш эҳтимоллиқлари ва уларнинг модификациялари, уларнинг сонли қийматларини ҳисобловчи тегишли формулалар келтирилади.

Жумладан, тайёрлик коэффициенти K_{Γ} тармоқни тасодиф танланган вақт оралиғидаги тўғри ишлаш эҳтимоллигини кўрсатадиган параметр ҳисобланиб, қуйидагича аниқланади:

$$K_{\Gamma} = T_o / (T_o + T_B)$$

бу ерда T_o - тармоқнинг икки радият орасидаги тўғри ишлаш вақти; T_B - тармоқни ишчи ҳолатини тиклаш учун кетадиган ўртача вақт, тармоқнинг мажбурий тўхташ коэффициенти (ёки тармоқнинг тасодиф танланган вақт оралиғидаги тайёр эмаслик коэффициенти K_{Π}).

$$K_{\Pi} = 1 - K_{\Gamma}$$

Мультисервис тармоғининг бир элементида радият ҳолати пайдо бўлиши, унинг бошқа элементлари фаолиятига боғлиқ эмаслиги шарти бажарилгани сабабли, тармоқнинг тайёрлик коэффициентининг K_{Γ} сонли қиймати қуйидагича аниқланиши мумкин:

$$K_{\Gamma}^{\text{МСТ}} = \prod_{i=1}^n K_{\Gamma}^n, (n = 4).$$

Ўз навбатида ҳар бир сатҳ бир неча элементлардан таркиб топган, улар ҳам маълум бир ишончлилиқ даражаларига эга, яъни ҳар бир i - сатҳ учун қуйидаги ифода ўринли:

$$K_{\Gamma}^i = \prod_{j=1}^{m_i} K_{\Gamma}^j,$$

бу ерда m_i - мультисервис тармоғини i - сатҳда ишончлилиқ даражаси паст

ҳолатда фаолият юритаётган воситалар сони.

Мультисервис тармоғининг тузилмаси ҳар хил узатиш қобилиятига эга булган алоқа каналлари ёрдамида бир-бири билан боғланган абонент терминаллари, тармоқ воситалари ва компьютер тизимлари тўпламидан ташкил топган.

Шундай қилиб, тармоқнинг кириш, транспорт, хизмат тақдим этиш сатҳлари тузилмасини характерловчи қуйидаги тузилмавий вектор параметрлар \vec{d} , \vec{w} , \vec{u} берилган бўлсин. Берилган тузилмани қайта ишлаб шундай тузилмани аниқлаш керакки, у тармоқ компонентларининг ишончлилик кўрсаткичларини оширишга кетадиган харажатлар ҳамда тармоқнинг айрим компонентларида қолдиқли ишончсизлик оқибатида юзага келадиган йўқотишлар қийматларининг йиғиндисини минималлаштирган ҳолда мультисервис тармоғининг ишончлилиги (унинг ҳамма компонентларини стационар функционаллилигига қўйилган шартлар ва тармоқнинг сифат кўрсаткичига белгиланган талаблар бажарилиши тўғрисидаги чекловлар бажарилган ҳолда)ни таъминласин, яъни қуйидаги функционалнинг қиймати минималлаштирилсин:

$$C \{ \vec{d}, \vec{w}, \vec{u} \} = [C_3 \{ \vec{d}, \vec{w}, \vec{u} \} + C_n \{ \vec{d}, \vec{w}, \vec{u} \}] \rightarrow \min.$$

Мультисервис тармоғининг ишончлилик кўрсаткичига боғлиқ воситалари асосан унинг кириш, транспорт ва хизмат кўрсатиш сатҳларида мужассамланганлиги сабабли, ушбу сатҳлар воситаларини ишончлилигини ошириш учун сарфланадиган капитал харажатлар қуйидагича ифодаланиши мумкин:

$$C_3 = C^{y_d} + C^{y_T} + C^{y_y},$$

$$C^{y_d} = \sum_{n=1}^N a_n \cdot c_n^{\text{ш}} + \sum_{m=1}^M b_m \cdot c_m^T + \sum_{l=1}^L d_l \cdot c_l^{\text{IAD}} + \sum_{f=1}^F z_f \cdot c_f^{\text{DSLAM}} + \sum_{y=1}^Y g_y \cdot c_y^{\text{KC}},$$

$$C^{y_T} = \sum_{n=1}^N a_n \cdot c_n^M + \sum_{m=1}^M b_m \cdot c_m^K + \sum_{y=1}^Y g_y \cdot c_y^{\text{KC}},$$

$$C^{y_y} = \sum_{n=1}^N a_n \cdot c_n^{\text{П}} + \sum_{m=1}^M b_m \cdot c_m^{\text{СВ}} + \sum_{y=1}^Y g_y \cdot c_y^{\text{KC}},$$

бу ерда a_n , b_m , d_l , z_f , g_y - “оғирлик” коэффициентлари, вазиятга қараб 0 ёки 1 қийматларини олишлари мумкин.

Йўқотишларнинг қиймати C_n мультисервис тармоғи сўровлари ўз вақтида бажарилмаслик эҳтимоллигининг тақсимотига функционал боғлиқлиги билан аниқланади.

Диссертациянинг “Мультисервис тармоғи ишончлилик кўрсаткичларини аниқлаш усули ва алгоритмини ишлаб чиқиш” деб номланган учинчи боби ноаниқ тўпламлар назарияси асосида мультисервис

тармоғи таркибий қисмларининг ишончилигини аниқлаш муаммоларини ҳал қилиш усули ва алгоритмини ишлаб чиқишга бағишланган.

Учинчи бобда ишончилик параметрларини пасайишига олиб келадиган асосий омиллар (улар ташқи, ички, муҳандислик ва хизмат кўрсатиш омиллари бўлиши мумкин) ва уларни бартараф этиш учун қабул қилиниши мумкин бўлган қарорларнинг рўйхати келтирилган. Улар тасодиф омилларнинг тури ва характериға қараб оғоҳлантирувчи, профилактик, маҳаллий ва қайта тиклаш категорияларига бўлинади. Ишда омиллар ва уларни бартараф этиш ечимлари аниқлаштирилган ва жадвал кўринишида келтирилган.

Эҳтимоллик моделлари учун оператив маълумотларни олиш қийинлиги ва тасодиф қийматлар негизида қайта ишлаш ва ечимлар қабул қилиш жараёнларини бажариш мураккаблигини ҳисобға олиб, диссертацияда мультисервис тармоғи ишончилилик кўрсаткичларини тадқиқ қилиш учун ноаниқ тўплам назариясини қўллаш тавсия этилади. Бундай ёндашув мультисервис тармоғи ишончилилик кўрсаткичларини тасодифий таъсирлар, тармоқ алоҳида элементлари ёки “тугунларининг” ишончилигига талаблар бузилганида, электр манбанинг қисқа муддатли узилишларида тадқиқ қилиш имконини яратади.

Бунинг учун мультисервис тармоғи ҳар бир тармоқ сатҳининг асосий таркибий қисмларини кўрсатувчи иерархик диаграмма кўринишида (1-расм) тасвирланади: U - турли хил хизматларни тақдим этадиган мультисервис тармоғи; U_1 - кириш поғонаси; U_2 - транспорт поғонаси; U_3 - бошқариш поғонаси; U_4 - хизматларни тақдим этадиган поғонаси. Сўровни бажаришда, умуман олганда, барча сатҳлар иштирок этади, яъни мультисервис тармоғи сатҳларидаги қурилмалар ўзаро боғлиқ ва ягона мақсадға йўналтирилган. Қарор ноаниқ тўпламлар назарияси (НТН) тамойилларини интеграциясига асосланиб, мультисервис тармоғи комплекс моделини яратиш йўли билан қабул қилинади.

Шу мақсадда мультисервис тармоғининг ҳолатини маълум бир омилларға нисбатан функционал боғланиш кўринишида тасвирлаймиз:

$$U = f_U(U_1, U_2, U_3, U_4), U_1 = f_{U_1}(x), U_2 = f_{U_2}(y), U_3 = f_{U_3}(z), U_4 = f_{U_4}(p),$$

бу ерда x, y, z - ташқи, ички ва муҳандислик факторларининг таъсири; p - хизмат кўрсатиш омили.

Шу билан бирға, ноаниқ ҳолатларни расмий тавсифи учун қўйидаги тузилмалар қўлланилади:


$$\langle \widetilde{\Delta S}, R, \widetilde{C}_{(l)} \rangle, \text{ бу ерда } \widetilde{\Delta S} = \begin{pmatrix} \Delta \widetilde{x} \\ \Delta \widetilde{y} \\ \Delta \widetilde{z} \\ \Delta \widetilde{p} \end{pmatrix}, R = \begin{pmatrix} x \\ y \\ z \\ p \end{pmatrix}, \widetilde{C}_{(l)} = \begin{pmatrix} \widetilde{c}_{(1)} \\ \widetilde{c}_{(2)} \\ \widetilde{c}_{(3)} \\ \widetilde{c}_{(4)} \end{pmatrix}$$

$\widetilde{\Delta S}$ - ҳисобға олган омилларни лингвистик баҳолаш; R - омиллар бўйича ноаниқ натижалар (универсумлар); $\widetilde{C}_{(l)}$ - омилларнинг ўзгаришиға тегишли бўлган функциялар, улар қўйидагича аниқланади:

$$\widetilde{C}_{(i)} = \left\{ \left\langle \frac{\alpha_i}{T_1^i} \right\rangle, \left\langle \frac{\beta_i}{T_2^i} \right\rangle, \left\langle \frac{\gamma_i}{T_3^i} \right\rangle \right\},$$

бу ерда T_1^i, T_2^i, T_3^i , - i -омил ўзгаришининг лингвистик баҳолашлари.

$$U_1 \leftrightarrow U_2 \leftrightarrow U_3 \leftrightarrow U_4.$$



1-расм. Мультисервис тармоғининг иерархик диаграммаси

Ноаниқ ахборотларни қайта ишлаш тизимостиси (x, y, z ва p) омилларидаги ўзгаришлар ҳақида мантикий маълумотни олади, мультисервис тармоғининг ишлайдиган меъёрларида бузилишлар мавжудлигини текширади, юзага келган ҳолатнинг диагностикасини амалга оширади, яъни U_1, U_2, U_3, U_4 ҳолатларнинг ноаниқ баҳоланишларини аниқлайди, яъни $\mu(U_1), \mu(U_2), \mu(U_3), \mu(U_4)$.


Ҳар бир омил учун қабул қилинаётган қарор маълум бир харажатларни талаб қилади. Муайян характерли зарарни бартараф этиш учун харажатлар қиймати қўйидагича тақсимланади: ишдан чиққан қурилмаларни таъмирлаш учун максимал харажатлар, маҳаллий зарарни қоплаш учун камроқ харажатлар ва бошқалар, яъни: $C^{np} < C^п < C^л < C^{bc}$.

Кейинги босқичда бошқарув қарорини танлаш ва уни асослаш масалалари ҳал этилади. Муайян қарорни танлаш танланган баҳолаш мезонлари асосида амалга оширилади.

Диссертацияда мультисервис тармоғига муҳандислик омиллари таъсир қилганида ноаниқ ахборот асосида қарор қабул қилишнинг мисоли кўриб чиқилган.

Диссертациянинг **“Имитацион моделлаштириш алгоритмини ишлаб чиқиш ва ҳисоблаш экспериментининг натижаларини таҳлил қилиш”** деб номланган тўртинчи боби ишончлилик кўрсаткичларини меъёрга олиб келиш учун зарур бўлган харажатлар йиғиндисини минималлаштириш пайтида ишончлилик кўрсаткичларини аниқлаш моделлаштириш йўли билан таъминлаб берадиган имитацион моделлаштириш алгоритми ишлаб чиқиш, мультисервис тармоғи эҳтимоллик-вақтли кўрсаткичларига ишончлилик параметрларининг таъсирини тадқиқ қилиш мақсадида оммавий хизмат кўрсатиш тизимлари (ОХКТ) назариясига асосланган аналитик модели ишлаб чиқиш масалаларига бағишланган.

Бунда мультисервис тармоғи схемаси $M/I/R_\infty/d_1$ (бу ерда M - мультисервис тармоғига келадиган сўровлар интенсивлиги экспоненциал тақсимот қонуни билан тавсифланишини, I -тизим реал ишонччилик режимида ишлашини, R_∞ - чексиз вақт кутиб турувчи хизмат режимини, d_1 - тизим тўғридан тўғри буюртма хизматига талабни қабул қилишини англатади) туридаги модел сифатида тақдим этилади ва ушбу моделнинг эҳтимолий параметрларини белгилайди. Мультисервис тармоғидаги сўровлар хизмати модели схемаси қўйидагича ифодаланади (2-расм).



2-расм. Мультисервис тармоғида сўровларга хизмат кўрсатиш моделининг схемаси

Ушбу моделга биноан, тизимда иккита асосий тасодифий жараён мавжуд: тасодифий вақт билан тавсифланадиган кутиш жараёни t_w ва тасодифий вақт билан характерланадиган хизмат кўрсатиш жараёни t_c . Тасодиф сонларнинг аддитивлик хусусияти туфайли, сўровга хизмат кўрсатишнинг ўртача тасодифий вақти t қўйидагича ифодаланади:

$$t = t_w + t_c . \quad (2)$$

Сўровларга ўз вақтида хизмат кўрсатиш эҳтимоллиги:

$$Q = w(v) \cdot h(v), \text{ Re } v \geq 0,$$

формула ёрдамида аниқланади, бунда $w(v)$ -Лаплас-Стилтьес ўзгартириши асосидаги кутиш вақтини тақсимлаш функцияси; $h(v)$ -Лаплас-Стилтьес ўзгартириши асосидаги хизмат кўрсатиш вақтини тақсимлаш функцияси; Re англатадиган чеклов.

Тизим носоз режимда ишлаши ва тиклаш жараёнини ҳисобга оладиган бўлсак, $h(v)$ ва $w(v)$ функциялар қўйидаги ифодалар ёрдамида аниқланади:

$$h(v) = \frac{\mu(v+d)}{(v+d)(v+\mu)+c v} , \quad (3)$$

$$w(v) = \frac{(1-\lambda h_1)v[1+c/(d+c)]k_\Gamma}{v-\lambda+\lambda h(v)} , \quad (4)$$

бу ерда $h_1 = 1/\mu k_\Gamma$.

Охирги ифодалар билан тегишли ўзгартиришлар амалга оширилганидан сўнг сўровларга ўз вақтида хизмат кўрсатиш эҳтимоллигини характерлайдиган ифода яқуний шаклда қўйидагича бўлади:


$$Q = w(v) \cdot h(v) = (\mu_\varepsilon - \lambda) / (\mu_\varepsilon - \lambda + v_\varepsilon), \quad (5)$$

$$\begin{cases} v > 0, \mu_\varepsilon \geq \lambda, \mu_\varepsilon = \mu k_\Gamma, \\ v_\varepsilon = v[1 + \mu_\varepsilon k_\Pi / (v k_\Gamma + d)], \mu = C/V, k_\Pi = 1 - k_\Gamma. \end{cases}$$


бу ерда k_n - мультисервис тармоғининг тўхташ коэффициентини; k_r - мультисервис тармоғининг тайёргарлик коэффициентини; C - тармоқнинг ўтказиш қобилияти, V - қайта ишланадиган сўровларнинг ўртача ҳажми, λ - мультисервис тармоғига тушадиган сўровларнинг интенсивлиги, μ - мультисервис тармоғида сўровларга хизмат кўрсатиш интенсивлиги, c - тармоқни бузилмасдан ишлашининг интенсивлиги, d - рад этишни қайта тиклаш интенсивлиги ва v - сўровнинг эскириш интенсивлиги. Барча тасодифий параметрларининг тақсимлаш қонунлари экспоненциал ҳисобланади.

Мультисервис тармоғининг вақтли кўрсаткичларига тайёргарлик коэффициенти таъсирининг таҳлили юқорида келтирилган (2÷5) формулалар асосида амалга оширилган. Тажриба мультисервис тармоғининг тайёргарлик коэффициенти K_r ва юкламанинг ρ ҳар хил қийматларида ўтказилган. Бунда сўровга хизмат кўрсатиш интенсивлиги ўзгармайди, деб қабул қилинган. Эксперимент натижалари, яъни $P_{nc}=f(k_r)$ ва $Q=f(\rho)$ функционалликларининг ўзгариш даражаларини кўрсатадиган диаграммалар 3,4-расмларда келтирилган.

Юклама паст шароитида тайёргарлик коэффициентининг 0,8 - 0,999 оралиғидаги ўзгаришида, сўровга вақтида хизмат кўрсатишнинг эҳтимоллик қиймати сезиларли даражада яхшиланиши кузатилган, яъни 0.808 дан 0.99 гача, ўртача юклама шароитида ($\rho \approx 0.5$ чегараларида бўлган пайтида) 0.613 дан 0.98 гача ва нисбатан юқори юклама шароитида ($\rho \approx 0.8$) - 0,8 дан 0,952 гача.




3-расм. $Q=f(\rho)$ боғланиши, $k_r = \text{const}$




4-расм. $P_{nc}=f(k_r)$ боғланиши, $\rho = \text{const}$

Мақсадли функциянинг қийматини аниқлаш учун диссертация ишида моделлаштириш алгоритми яратилган ва унинг асосида ҳисоблаш эксперименти ўтказилган. Ҳисоблаш экспериментида тадқиқ қилинган

мультисервис тармоғининг структураси ва моделлаштириш алгоритмининг блок схемаси диссертацияда келтирилган.



а)



б)

5-расм. МСТ ишончилигини таъминлаб берадиган мақсадли функциянинг минимал қийматини аниқлаш бўйича эксперимент натижалари

Дастлаб, тадқиқ қилинаётган тармоқ сатҳларидаги компонентларнинг ишончилигини характерлайдиган статистик маълумотлар аниқланади. Сўнг, улар асосида сатҳ таркибидаги қурилмаларнинг, сатҳнинг K_r^i ва тадқиқ этилаётган мультисервис тармоғининг тайёргарлик коэффициентлари K_r ҳисобланади. Бу маълумотлар диссертация ишида жадвал кўринишида келтирилган.

Сўровларга ўз вақтида хизмат кўрсатилмаганлигининг эҳтимоллиги P_{nc} ва мультисервис тармоғига тушаётган сўровлар интенсивлигининг λ қиймати қанчалик кўп бўлса, йўқотишларнинг қиймати шунчалик катта бўлади ва тесқари, яъни $C_p = f(P_{nc}, \lambda)$. P_{nc} қиймати тайёргарлик коэффициентига боғлиқ,

яъни $P_{nc}=f(k_r)$, натижада йўқотишларнинг қиймати тайёргарлик коэффициенти билан функционал боғланган - $C_{п}=F[f(k_r), \lambda]$.

Тармоқ тайёргарлик коэффициентининг қиймати меъёрда (ёки меъёрга яқин) бўлганида юкломани нотекис тақсимланиши ҳисобига йўқотишлар пайдо бўлиши мумкин.

Бу турдаги йўқотишлар одатда огоҳлантирувчи ва профилактик категорияларда қўлланиладиган ечимлар асосида нисбатан кам харажат ҳисобига бартараф этилади - юкломани рационал тақсимлаш ҳисобига сўровларни ўз вақтида бажарилишининг эҳтимоллиги нисбатан ошади, бу эса йўқотишлар қийматини камайишига олиб келади (5а-расм).

Агар тайёргарлик коэффициенти K_r нинг қиймати меъёридан пастроқ бўлса, ишончилиликни ошириш учун ажратилган маблағлар C_3 3 ва 4 категорияли ечимларни бажаришга сарфланади. (5б -расм).

Диаграммада ординат ўқи мультисервис тармоғининг ишончилигини ошириш учун ажратилган маблағларнинг нисбий қийматлари C_3 ва мультисервис тармоғининг алоҳида компонентлари қолдиқли ишончсизлик режимида ишлаши ҳисобига пайдо бўлган йўқотишлар қиймати $C_{п}$ ҳамда уларнинг йиғиндисини - $\Sigma C = C_3 + C_{п}$, абсцисс ўқи эса ишончилиликни ошириш учун ажратилган маблағнинг тақсимланиш вариантларини кўрсатади. Экспериментда мақсадли функциянинг экстремал қийматига биринчи ҳолатда учинчи, иккинчисида - тўртинчи вариантда эришилиши кузатилган.

Бобнинг якунида мультисервис тармоғининг абонент кириш, транспорт ва хизматларни тақдим этиш сатҳларида эксплуатацион ишончилиликнинг параметрларини ҳисоблаш услуги ҳамда дастурий конфигурацияланадиган тармоқлар ғояси негизида мультисервис тармоғини лойиҳалашда ишончилилик параметрларини тадқиқ қилиш бўйича тавсиялар келтирилган.

ХУЛОСА

“Мультисервиси алоқа тармоғи ишончилилик кўрсаткичларини тадқиқ қилиш моделлари ва алгоритмлари” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Тақсимланган структурага эга бўлган мультисервис тармоғининг ишончилилик кўрсаткичларини тадқиқ қилишни тизимли ёндашув ёрдамида оптимал модели ишлаб чиқилган. Мультисервис тармоғи ишончилилик ҳолатини ихтиёрий t вақтда тўртта вектор функция билан, яъни унинг абонент кириш, транспорт, бошқариш ва хизматлар поғоналари жараёнларини характерлайдиган функциялар $g(t)=[x(t),b(t),a(t),v(t)]$ орқали тавсифлаш таклиф қилинган.

2. Мультисервис тармоғининг ишончли функционалликни таъминлашга кетадиган харажатлар ва унинг компонентларида қолдиқли ишончсизлик оқибатида юзага келадиган йўқотишлар қийматларининг йиғиндисини минималлаштиришни таъминлайдиган тармоқ тузилмасини шакллантириш бўйича оптимал масаласи ифодаланган.

3. Ноаниқ тўплалар назарияси асосида мультисервис тармоғининг ишончилиликни аниқлайдиган масала ечимининг усули ишлаб чиқилган.

4. Ноаниқ тўплалар назарияси асосида мультисервис тармоғининг ишончилиликни аниқлайдиган масалани ечимининг алгоритми ишлаб чиқилган.

5. Мультисервис тармоғини компонентларини ишончилиликни пасайтирадиган омиллар (ташқи, ички, муҳандислик ва хизмат кўрсатиш омиллари) ва ҳар хил ҳолатларда мультисервис тармоғи ишончилигини ошириш мақсади учун қабул қилинаётган ечимлар аниқланган. Қабул қилинаётган ечимларни тўртта категорияси кўринишида тақдим этиш таклиф қилинди: огоҳлантирадиган, профилактик, маҳаллий ва қайта тиклайдиган ечимлар.

6. Ишончилилик параметрларини меъёрга келтириш учун зарур бўлган харажатларнинг йиғиндисини минималлаштириш пайтида ишончилилик параметрларини моделлаштириш йўли билан аниқ вақт учун ишлаши пайтида мультисервис тармоғини компонентларни қолдиқли ишончсизлиги сабабли пайдо бўладиган компаниянинг харажатларини аниқлашни таъминлаб берадиган имитацион моделлаштириш алгоритми ишлаб чиқилган.

7. Аналитик модели ва ҳисоблаш эксперименти ўтказиш асосида юклама ўзгариш пайтида тармоқнинг эҳтимолли вақтли характеристикаларини ва тармоқнинг ишончилилик кўрсаткичларини аниқлайдиган статистик параметрларининг ўзгариш характери кўрсатилган.

8. Диссертация ишининг экспериментал тадқиқотларининг натижалари АК «Ўзбектелеком» “Тошкент шаҳар - Телеком” тармоқларнинг эксплуатация Марказининг мультисервис алоқа тармоғининг магистрал участкаларда лойиҳалаш пайтида ва № А5-023 рақамли “Ўзбекистон телекоммуникация тармоғига оптик кириш поғонасини лойиҳалаш усулини тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқиш” (02.01.2012-31.12.14) ИТИ лойиҳада бажариш пайтида бажарилган, ҳамда АК «Ўзбектелеком» транспорт магистрал тармоғининг эксплуатация Марказининг амалий фаолиятида ишлатишга қабул қилинган.

9. Илмий тадқиқот натижасида диссертация ишининг натижаларини амалга оширишда ишлаб чиқилган модели ва алгоритми “оптимал ўтказувчанлик қобиляти/мультисервис алоқа тармоғининг оптимал нархи” кўрсаткичи асосида тармоқ фаол элементларини оптимал характеристикаларини ҳисоблаш имконини берган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 28.12.2017.Т.07.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

**ТАШКЕНТСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ИНФОРМАЦИОННЫХ
ТЕХНОЛОГИЙ**

МУРАДОВА АЛЕВТИНА АЛЕКСАНДРОВНА

**МОДЕЛИ И АЛГОРИТМЫ ИССЛЕДОВАНИЯ НАДЕЖНОСТНЫХ
ПОКАЗАТЕЛЕЙ МУЛЬТИСЕРВИСНОЙ СЕТИ СВЯЗИ**

05.04.01- Телекоммуникационные и компьютерные системы, сети и устройства
телекоммуникаций. Распределение информации

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.4.PhD/T918.

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском университете информационных технологий.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tuit.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Нишанбаев Туйғун Нишанбаевич**
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Рахимов Бахтиёржон Нейматович**
доктор технических наук, доцент

Камалов Юнус Каримович
кандидат технических наук

Ведущая организация: **Ташкентский институт инженеров
железнодорожного транспорта**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2019 г. в ____ часов на заседании Научного совета DSc.28.12.2017.T.07.02 при Ташкентском университете информационных технологий (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108.Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер №__). Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2019 года.
(протокол рассылки № __ от «__» _____ 2019 г.).

И.Х. Сиддиков

Председатель научного совета по присуждению
учёных степеней, д.т.н., профессор

Ж.Х. Джуманов

Ученый секретарь научного совета по присуждению
учёных степеней, д.т.н., доцент

Н.Б.Усманова

Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению учёных степеней, д.т.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире современная отрасль телекоммуникаций демонстрирует бурные темпы роста, особое внимание обращается на развитие рынка мультисервисных услуг, внедрение новых телекоммуникационных и информационных технологий, на их конвергенцию. В развитых странах, таких как, США, Великобритания, Нидерланды, Германия, Швеция, Франция, Южная Корея, Индия, Россия и других государствах при переходе к сети NGN (Next Generation Network или мультисервисная сеть связи - МСС) реализуется комплекс, состоящий из большого числа отдельных устройств (контроллеров, шлюзов, серверов). Для выполнения функций узла коммутации необходима совместная работа нескольких таких устройств, поэтому результирующая надежность будет равняться произведению их коэффициентов готовности, в итоге результирующая надежность оказывается относительно низкой. С этой точки зрения, особое внимание уделяется разработке моделей и алгоритмов исследования надежности показателей мультисервисной сети связи.

В мире создаются научные основы для развития информационных и коммуникационных технологий, разработки методов расчета показателей надежности мультисервисной сети и повышения пропускной способности элементов для передачи приложений реального времени с высоким качеством. В этом направлении одной из важнейших задач считается внедрение мультисервисных и транспортных сетей, усовершенствование путей их развития, разработка аналитической модели расчета показателей надежности мультисервисной сети, метода расчета показателей надежности, основанного на теории нечетких множеств, алгоритмов расчета и оценки показателей надежности мультисервисной сети.

В Республике Узбекистан уделяется особое внимание развитию информатизации общества, предоставлению широкополосного доступа в Интернет для жителей отдаленных районов со скоростью передачи данных, достаточной для предоставления услуг с заданным качеством, принятию специальных мер по предоставлению различных видов мультисервисных услуг пользователям. В «Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах»¹ определены задачи «...создать базу для свободного входа в сеть Интернет, ... для подключения жителей Республики к высокоскоростному Интернету, провести широкомасштабную модернизацию систем телекоммуникаций ...». Выполнение указанных задач, в частности, разработка метода и алгоритма, позволяющих анализировать надежность МСС на основе теории нечетких множеств, разработка аналитической модели, позволяющей проводить анализ зависимости вероятности своевременного обслуживания

¹ Мирзиёев Ш.М. Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах, Приложение № 1, к Указу Президента Руз от 07.02.2017 г. N УП-4947

запросов от загруженности и коэффициента готовности сети считаются важными задачами.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», в Указе Президента Республики Узбекистан от 19 февраля 2018 года № УП-5349 «О мерах по дальнейшему совершенствованию сферы информационных технологий и коммуникаций», в Постановлении Президента Республики Узбекистан от 29 августа 2017 года № ПП-3245 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы управления проектами в сфере информационно-коммуникационных технологий», в Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 7 марта 2018 года № 185 «О мерах по дальнейшему улучшению качества услуг связи, информатизации и телекоммуникаций», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в Республике Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан IV. «Развитие информатизации и информационно-коммуникационных технологий».

Степень изученности проблемы. Вопросам исследования надежностных показателей мультисервисных систем и сетей посвящено множество работ, разработаны многочисленные методы и модели, в которых предложены эффективные способы оценки и расчета параметров, характеризующих надежность компонентов сетевых структур. В частности, в трудах зарубежных ученых: X.Yiguo (США), Louis A. Petingi (США), В.Dengiz (США), Wenbo He (США), S. Adjabil (США), A.Guimaraes (США), J.Carlier (США), J.Xin (Англия), S. Adjabi (США), D.Mihail Curgen (США), российских учёных Н.П.Бусленко, Б.В. Гнеденко, Ю.К.Беляева, А.Д.Соловьева, И.А.Ушакова, Б.Я.Советова, С.А.Яковлева, Г.П.Захарова, О.В.Щербакова, Г.Н.Черкесова, И.А.Рябинина, А.С. Можаяева, Б.П.Филина, О.А.Гадяцкой, Д.В. Козырева, Л.С.Выговского, А.В.Лупал, А.Е.Перфильева, А.В.Майер и др. рассмотрены эти вопросы.

В Узбекистане в трудах отечественных учёных, таких, как Д.А.Абдуллаев, Т.А.Валиев, А.Э.Аллаев, М.А.Абдурафиков, Н.Х. Гультураев и др. рассмотрены различные аспекты анализа надежности сетей связи сложной структуры, исследованы характеристики показателей надежности, предложены различные методы анализа и оценки надежности систем и сетей, исследованы источники потерь информации.

Обзор данных работ показал, что вопросы разработки и исследования методов и моделей оценки надежности сетей NGN (или МСС) с применением системного подхода, принятие объективных решений при учете надежности

всех уровней МСС и их применение на практике изучены недостаточно.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках научно-исследовательских работ Ташкентского университета информационных технологий, а именно, при выполнении НИР № А5-023 «Исследование и разработка метода планирования уровня оптического доступа телекоммуникационной сети Узбекистана».

Целью диссертации является разработка метода, моделей и алгоритмов расчета показателей надежности мультисервисных сетей с применением системного подхода.

Задачи исследования:

